

## ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАРНИ ТИПОЛОГИК ЎРГАНИШ ЗАРУРАТИ ВА МУАММОЛАРИ

*Бектошев Отабек Қодиралиевич*

*Қўқон ДПИ доценти, PhD*

[greatbektash@mail.ru](mailto:greatbektash@mail.ru)

*Самижонова Муниса*

*НамДУ 2-курс магистранти*

### АННОТАЦИЯ

Мақолада турли тиллардаги лисоний ҳодисаларнинг умумий ва фарқланувчи хусусиятларини аниқлаш, уларни атрофлича қиёсий таҳлил қилишга йўналтирилган изланишлар ҳақида сўз боради. Тилларни чоғиштирма ўрганиш таржима, машина таржимаси, лингвофалсафий, лингводидактик ва назарий масалаларни ўрганишни мақсад қилиб олади.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются об исследованиях, направленных на выявление общих и различных черт языковых явлений в разных языках, их детальный сравнительный анализ. Межъязыковое обучение направлено на изучение перевода, машинного перевода, лингво-философских, лингво-дидактических и теоретических вопросов.

### ANNOTATION

The article talks about research aimed at identifying the common and different features of linguistic phenomena in different languages, and their detailed comparative analysis. Cross-language learning aims to study translation, machine translation, linguo-philosophical, linguo-didactic and theoretical issues.

**Калит сўзлар:** типологик лингвистика, чоғиштирма тилшунослик, коммуникатив таржима, идеографик луғат, тақлидий сўзлар.

**Ключевые слова:** типологическая лингвистика, сравнительная лингвистика, коммуникативный перевод, идеографическая лексика, подражательные слова.

**Key words:** typological linguistics, comparative linguistics linguistics, communicative translation, ideographic vocabulary, imitative words.

Фанларнинг тараққиёти ижтмоий эҳтиёж билан узвий боғлиқ. Шу маънода “ҳар бир давр ўз фани олдиға муайян мақсад ва аниқ талаблар қўяди. Фанларнинг тараққиёти шу даврнинг илғор фалсафий фикри, давр учун етакчи бўлган фан соҳаларининг ютуқлари билан ҳам узвий боғлиқ. Турли фанларнинг манбалари кўп қиррали бўлганлиги сабабли даврнинг етакчи

фалсафий фикри аниқ фанлардан ўрганиш манбаининг қайси томонларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини, борлиқдаги мавжуд қонуниятларни мантикий категорияларда қай усулда акс эттириш йўллари билан белгилаб беради”<sup>1</sup>.

Мавжуд барча тилшунослик соҳалари орасида типологик лингвистика – қиёсий тилшуносликнинг ўрни ажралиб туришини таъкидлаш лозим. Зеро, турли тиллардаги лисоний ҳодисаларнинг умумий ва фарқланувчи хусусиятларини аниқлаш, уларни атрофлича қиёсий таҳлил қилишга йўналтирилган изланишлар ўз натижаларининг амалий самарадорлиги билан ажралиб туради. Буни янада яхшироқ англаш учун айнан чоғиштирма тилшуносликнинг мақсад ва вазифаларига эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, “тилларни чоғиштирма ўрганиш таржима, машина таржимаси, лингвофалсафий, лингводидактик ва назарий масалаларни ўрганишни мақсад қилиб олади.”<sup>2</sup>. Шунингдек, лингвистик типологиянинг энг муҳим масаласи – тиллар орасидаги фарқланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва фарқланишни универсал чегараларини белгилашдир<sup>3</sup>.

Юқоридаги фикр чоғиштирма тилшунослик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларининг “тилшунослик тилшунослик учун” тамойилидаги изланишлардан кескин фарқ қилишини яққол ифодалайди. Хусусан, тақлидий сўзларнинг қиёсий анализи ҳам тилшуносликдаги қатор заруратларни тўлақонли қамраб олади.

*Биринчидан*, қиёсий таҳлилларга асосланган ҳолда ўзбек тилшунослигидаги тақлидий ифодаларга оид назарияларни қайта кўриб чиқиш, уларнинг турланиш принципларини қайта кўздан кечириш зарурати мавжуд. Албатта, турли қурилиш ва таркибга эга, бир тил оиласига мансуб бўлмаган инглиз ва ўзбек тилларида умумий, айнан бир хил тизимлар мавжуд эмаслиги аниқ. Демак, инглиз ва ўзбек тилларидаги тақлидлар типологиясида назарий бир хил хулосаларга эмас, балки фарқли қарашларни эътиборга олиш лозим.

*Иккинчидан*, бадий таржиманинг адекватлигини таъминлаш ва таржима матнидаги жузъий камчиликларни бартараф этиш учун турли грамматик категорияларни чоғиштирма усулда ўрганишга эҳтиёж туғилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “таржима мақсадидаги чоғиштириш асосида бир умумий маънонинг икки тилдаги ифодаланиш воситаларини аниқлаш ётади. Асл матн эса таянч нуқта вазифасини ўтайди. Таржима қилинаётган матннинг маъносини иккинчи тил воситалари орқали ифодалаш

<sup>1</sup>Неъматов Х, Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993 – Б.7.

<sup>2</sup>Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. –Тошкент, 1973 – Б.76.

<sup>3</sup>[http://tipl.philol.msu.ru/index.php/science/nauchnaya-shkola/nauchnye-npravleniya](http://tipl.philol.msu.ru/index.php/science/nauchnaya-shkola/nauchnye-napravleniya)

таржиманинг асосий мақсадидир. Демак, таржима мақсадида қиёслаш икки тил системасини мунтазам солиштириб ўрганиш бўлмай, балки бир тил системасини иккинчи тил воситалари орқали изоҳлашдир”<sup>4</sup>. Бундан ташқари, тақлидларни ўзбек тилидан ёки инглиз тилидан ўгириш жараёнида таржиманинг филологик, лингвистик ва коммуникатив усулларидан бирини тўғри танлай билиш учун ҳам ушбу сўзларнинг ҳар бир тилдаги ўзига хос характеристикаларини тўлақонли тушуниб етишни талаб қилади. Яъни, филологик таржима аслиятдаги матн бирликларининг айнан ўзидек ўгирилиши бўлса, лингвистик таржима эътибор марказида ифода бирликларининг синтактик ўрни ёки грамматик вазифалари эмас, матндаги ахборотни тўлақонли ва тушунарли ифодалаш вазифаси туради. Бунда аслиятдаги гап тузилиши, бирликлар ўрни таржима матнида ўзгариб кетса-да матннинг умумий маъноси сақлаб қолинади. Коммуникатив таржима эса матн контекстини тўғри ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб олади. Англашилганидек, тақлидий сўзларнинг матндаги таржимасига филологик ёндашув энг мақбул танлов бўла олади. Тақлидий ифодаларнинг қиёсий тадқиқи натижалари эса ушбу сўзларнинг филологик таржимасига асос бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, типологик тадқиқотларнинг натижалари луғатлар такомиллашувида ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки тақлидий ифодалар таржима луғатларида бошқа тасвирий воситалар ёки изоҳлар ёрдамида берилганда унинг моҳияти ўқувчи онгида дарҳол англашилавермайди, бироқ луғатларда тақлиднинг айнан эквивалент таржимаси келтирилса, сўзнинг моҳияти қисқа фурсат ичида тўғри идрок этилади. Бундан ташқари, тақлидларнинг қиёсий ўрганилиши таржима ёки изоҳли луғатлардан фарқли бўлган мутлақо янги типдаги луғатнинг шакллантирилишида катта аҳамиятга эга. Ушбу янги типдаги луғат, яъни “тезаурус луғат маълум сўз билан боғланувчи барча сўзларни қамраб олади”<sup>5</sup>. Гарчи инглиз тилида бир неча идеографик луғатлар тузилган бўлса-да, ўзбек луғатчилигида бу масала ҳали-ҳануз ўз ечимини кутмоқда. Зеро, сўнги йилларда кўплаб грамматик категориялар бошқа тиллардаги айни шу лисоний ҳодисалар билан чоғиштириб ўрганилмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижаси ўлароқ, мавжуд камчиликлар бартараф этилмоқда, янглиш хулосалар ўзгартирилиши, сўзларнинг семантик хусусиятларига ва уларнинг семантик алоқаларига алоҳида эътибор қаратилиши – буларнинг бари йирик тезаурус луғати учун замин бўлади. Демак, тақлидларнинг типологик таҳлили уларнинг

<sup>4</sup>Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.173.

<sup>5</sup>Абдуазизов А. А., Зализняк А.М., Щитка Н.Н. *Общее языкознание. – Ташкент: Университет, 2001. – С. 123.*

фоносемантик характерини, маъно турлари ва семантик алоқаларини намоён этишга йўл очади – тақлидларнинг типологик ўрганилиши ўзбек миллий тезаурус луғатининг яратилиши томон яна бир одим бўлади.

*Тўртинчидан*, чет тилини ўқитиш ва ўрганиш жараёнини осонлаштириш зарурати тақлидларнинг типологик анализини тақозо этади. Чунки “чет тилини ўрганиш – мураккаб лингвопсихологик ҳодиса. Чет тилини ўрганиш жараёнида ўрганувчи онгида она тили ва хорижий тил системалари тўқнашади. Ўрганувчининг она тилиси янги тил системасини ўзлаштиришни осонлаштиради ёки унинг йўлига тўсиқ бўлади”<sup>6</sup>. Ўзбек тили ва инглиз тилининг фонетик тузилиши, грамматик структураси буткул фарқли эканини инобатга олсак, ўқувчиларнинг буткул бегона тилни эгаллаши мураккаб жараён эканлигини англаймиз. Шундай экан, турли категориялар, шу жумладан, тақлидларни қиёсий ўрганиш тилни ўзлаштириш жараёнини тезлаштириши ва ўрганувчиларнинг қардош бўлмаган хорижий тилда бемалол сўзлашиши учун имконият яратиши лозим. Ўқувчилар мутлақо нотаниш лисоний бирликларини ўзлаштирар экан, уларнинг она тилидаги муқобиллари, ушбу муқобилларнинг нутқда қўлланилиши, қандай маъноларни ифодалашини билмоғи лозим. Қиёсий тадқиқотлар хулосасига асосланган турли машқ ва топшириқлар бунда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

*Бешинчидан*, тақлидий сўзларнинг қиёсий таҳлили нафақат мануал таржиманинг, балки компьютер (машина), яъни дастурий таржиманинг адекватлигини таъминлаш нуқтаи назаридан зарур. Тақлидлар типологияси худди бошқа категориялар қиёси каби дастурий таржималардаги хатолар ва услубий ғализликлар сонини қисқартириш учун муҳим.

*Олтинчидан*, тақлидий сўзлар ҳар қандай тил корпусида умумий лексемалар сонининг сезиларли улушини ташкил қилади. Тақлидлар, уларнинг маъноси ва тегишли мисоллар ўзбек ҳамда инглиз тиллари параллел корпусида ҳам жойлаштирилади. Параллел корпусда тақлидларни маъносига кўра мутаносиб жойлаштириш учун икки тилдаги воситаларни қиёсий ўрганиш эҳтиёжи мавжуд.

Тақлидлар (ва бошқа барча лисоний категориялар)нинг бошқа тиллар билан қиёсий ўрганилиши тадқиқотлар натижаларининг амалий самарадорлиги ва билвосита кенг жамоатчилик учун ҳам манфаатлилиги билан устуворликка эга. Типологик тадқиқотлар нафақат бирор категория ўрганилишидаги умумий, балки фарқли ёндашувларни ҳам юзага чиқаради, шунингдек, тилшуносликда авлоддан авлодга ўтиб келаётган фан қонуниятларига бошқача нигоҳ билан қарашга ундайди, чоғиштирилаётган бир тилдаги қонуният ва таснифларнинг устунликлари билан бирга,

<sup>6</sup>Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.173.

уларнинг камчиликларини ҳам яққол кўрсатиб беради. Қиёсланаётган иккинчи тил билан боғлиқ назариялардаги устуворликларни биринчисига татбиқ қилишга ундайди. Буларнинг бари типологик тадқиқотнинг тилшунослик назариясига кўрсатадиган таъсири бўлса, бошқа томондан, натижалар бевосита ёки билвосита бадий таржималар, машина (дастурий) таржималар, изоҳли, таржима, тезаурус луғатлар, параллел тил корпусларида ўзини намоён этади.

Тақлидий сўзларни қиёслар эканмиз, назарий босқичда морфологик категориялашдаги ноаниқликлар ва ифодаларнинг семантик турланишидаги фарқлар каби муаммоларга дуч келамиз.

Ўзбек ва инглиз тилларидаги тақлид сўзлар тўғрисидаги назарий ишларни кўздан кечирарканмиз, ҳар икки тилда ҳам тақлидларнинг морфологик сатҳдаги ўрни омонат эканлигига гувоҳ бўламиз – тақлидий сўзларни морфологик категориялаш муаммоси ҳар икки томон тилшуносларини ҳам ўйлантиради. Ўзбек тилида мустақил ёки номустақил сўзлардан ажратилиб, оралиқ туркум ёки “тасвирий ифодалар” туркумига киритилган тақлидий сўзлар, инглиз тилида ҳали ҳануз ундовларга оид дея туркумланади. Хусусан, олимлар В. Гумбольдт,<sup>7</sup> В. Вундт<sup>8</sup> ва М. Мюллер<sup>9</sup> тақлидларни алоҳида туркум сифатида категориялашдан тийилишади, улар тақлидий ифодаларнинг рефлексор ундовлар сирасига мансублигини эътироф этишади. Ўзбек тилидаги “тақлид” атамасининг муқобили сифатида кўриладиган “ономотоп” морфологик категория номи эмас, чунки атама сўзларни семантик белгиларига кўра қамрайди, гуруҳ таркибига ҳам соф тақлидлар, ҳам тақлиддан шаклланган мустақил сўзлар киради. Шундай экан, ўзбек тилшунослиги хулосаларига кўра, морфологик сатҳда тақлидлар нисбатан мустаҳкам ўринга эга. Инглиз тилида эса тақлидлар кўпроқ ундовлик ҳарактери сабаб *interjection* (ундов) дея аталади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нейматов Ҳ. Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993 – Б.7.
2. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент, 1973 – Б.76.
3. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.173.

<sup>7</sup>Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию – М.: Прогресс, 1984.

<sup>8</sup>Вундт В. Проблемы психологии народов (электронный ресурс – [http://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Sociolog/Wundt\\_PsNar\\_02.php](http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Sociolog/Wundt_PsNar_02.php) (дата обращения 20.05.2016).

<sup>9</sup> Мюллер М. Лекции по науке о языке.– М., 2009.

4. **Абдуазизов А. А., Зализняк А.М., Щитка Н.Н. Общее языкознание. – Ташкент: Университет, 2001. – С. 123.**
5. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию – М.: Прогресс, 1984.
6. Вундт В. Проблемы психологии народов (электронный ресурс – [http://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Sociolog/Wundt/\\_PsNar\\_02.php](http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Sociolog/Wundt/_PsNar_02.php) (дата обращения 20.05.2016).
7. Мюллер М. Лекции по науке о языке.– М., 2009.
8. <http://tipl.philol.msu.ru/index.php/science/nauchnaya-shkola/nauchnye-napravleniya>